



СУҒУРТА МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хаттабов Муродулла Ботирович

Тошкент давлат иқтисодиёт

университети мустақил

изланувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг асоси сифатида 2019 йилнинг 5 апрелидаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги №Р-5464 сонли Президент фармони асосида қабул қилинган Концепция 2-бўлимининг 10-чи банди суғуртага бағишланган бўлиб, унда суғурта институтини ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш, хусусан мулкни ва бошқа мулкый манфаатларни ўзаролик асосида суғурталашни ривожлантириш ва бунда ихтиёрий бадаллар ҳисобидан шакллантирилган фондларни инвестицияга йўналтириш билан доимий даромад олишни кўзда тутиш белгиланиши назарда тутилган.

Суғуртанинг ўзаро суғурталаш шакли суғуртанинг илк шакли бўлиб, ушбу шакл эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларда пайдо бўлиб, XVIII асрга қадар ягона шакл сифатида амал қилган. Тижоратга асосланган суғуртанинг илк кўринишлари XIV асрда пайдо бўлган бўлсада, унинг тармов сифатида шаклланиши XVIII асрда юз берган.

Ўзаро суғуртанинг асл моҳияти нотижорат шаклда эканлигида бўлиб, иккинчи ўзига хос хусусияти ушбу жамиятлар суғурта хизматларини фақат ўз аъзоларига кўрсатишидадир. Ўзаро суғуртанинг ушбу икки хусусияти бундай жамиятлар томонидан кўрсатиладиган



суғурта хизматларининг арзонлиги, ташкилий ва маъмурий харажатларнинг камлиги, фаолиятнинг тўлиқ шаффофлиги, манфаатлар ягоналиги, жамиятни бошқаришда барча аъзолар иштирокининг таъминланганлиги, инвестицион даромадларнинг барча аъзолар учун тенг тақсимланиши ва бошқа имкониятларни яратади.

Ўзаро суғурта суғуртанинг алоҳида ва нотижорат шакли бўлиб, чет мамлакатларда кенг ривожланган ва кўпгина мамлакатларда унинг ҳажми жами суғурта хизматларининг 40 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда, баъзи мамлакатларда эса ундан ҳам ортиқ. Ўзаро суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, аввало ушбу суғуртанинг оддий кўриниши нотижорат шаклида бўлиб, ўз аъзолигига кўп ҳолларда маълум касб эгаларини (ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турларида), юридик шахслар ўртасида тузилган бундай жамиятлар бир тармоққа мансуб корхоналарни ихтиёрийлик асосида ўзида бирлаштиради. Концерн ёки холдинглар таркибига кирувчи корхоналар ўртасида ташкил этилган ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолият айниқса ҳар жиҳатдан қулай шароитга эга бўлади. Ўзаро суғурталаш жамиятларида барча суғурталанувчилар ушбу жамиятнинг аъзоси бўлганлиги туфайли ушбу жамият фаолият тўғрисидаги барча маълумотлар очиқ бўлиб, бу ушбу жамиятга бўлган юқори даражадаги ишончни таъминлайди. Инвестицион фаолиятдан кўрилган даромад ва суғурта ҳодисаларининг кам юз беришидан манфаатдорликнинг мавжудлиги суғурта ҳодисаларининг камайишига сабаб бўлади. Ўзаро суғуртани қишлоқ хўжалигида жорий этиш айниқса юқори самарадорликка эришиш имконини беради. Ушбу суғурта шаклининг энг муҳим жиҳати ташкилий ва маъмурий харажатларнинг камлиги ҳисобига йиғилган суғурта бадалларининг 90 фоизгача бўлган қисмини суғурта қопламалари учун йўналтириш имконининг мавжудлигидир.



Суғурта турларининг хилма-хиллиги билан биргаликда кўрсатилаётган хизматлар сифатини таъминлаш суғурта компаниясининг келажагини таъминлаб беради. Суғурта хизматларининг сифати аввалам бор, суғурта шартномаларини тузиш, уларнинг амал қилиши давомида амалга ошириладиган ишлар ва албатта суғурта ҳодисалари бўйича кўрилган зарарларни тартибга солиш жараёнларини амалга оширишдаги хизматлар сифати билан белгиланади. Афсуски, Ўзбекистон суғурта компанияларининг аксарият қисмида, айниқса зарарларни қоплаш жараёнида ҳавас қилса арзийдиган ҳолат мавжуд эмас. Биринчидан, суғурталовчи ва суғурталанувчи муносабатларининг бошидаёқ, яъни тузилаётган суғурта шартномаси кўпроқ бир томон манфаатини, яъни суғурталовчи манфаатини кўзлаб ишлаб чиқилади. Бу эса суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчига қопламани тўламаслик имкониятини яратиб беради. Иккинчидан, суғурта ҳодисаси юз бериб, қопламани тўлаш зарурати юзага келган ҳолатда барча ҳужжатлаштириш ишлари учун югур-югурлар суғурталанувчи зиммасида бўлади. Бу эса ҳар қандай суғурталанувчини қопламани тўлашни сўраб суғурта компаниясига мурожаат қилишдан чекинишга сабаб бўлади. Учинчидан, транспорт воситаси билан боғлиқ мажбурий ва ихтиёрий суғурта турларида йўл-транспорт ҳодисасининг юз беришига сабабчи бўлган транспорт воситасининг эгаси-суғурталанувчи, юз берган ҳодисани атайлабдан содир этмасада давлатга жарима тўлаши керак. Бу эса суғурталанувчини яна бир бор суғурта қопламасини олиш учун суғурта компаниясига мурожаат қилишдан ўзини тийишга ва зарарни ўз ҳисобидан тўлашга мажбур қилади.

Юқоридаги мавжуд шарт-шароитлар натижасида миллий суғурта бозоримизда тўпланаётган суғурта мукофотларининг атиги тахминан 20 фоизи микдоридаги қисми суғурта қопламалари учун йўналтирилмоқда. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 70-80 фоизни





ташкил этади. Суғурта компанияларига бўлган ишончни ҳосил қилишнинг энг асосий омили аслида мана шу ҳисобланади.

Суғурта компаниялари ўртасида тобора кучайиб бораётган ўзаро рақобат шароитида таклиф этилаётган суғурта хизматларининг сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимиз суғурта бозорида ўзаро рақобат нисбатан кучайиб бораётган бўлсада, зарур даражада эмас деб ҳисоблаймиз. Зарур даражадаги рақобатни таъминлаш учун ривожланган хорижий мамлакатлар суғурта компанияларининг бозорга киришига маълум даражада йўл очиб бериш керак, бу **биринчидан**, кучли рақобатни таъминласа, **иккинчидан**, улардаги тажрибадан фойдаланиш имконияти юзага келади. Нима учун маълум даражада деган иборани қўлладик, чунки агар чет эл компаниялари учун бозор тўлиқ очиб берилса, бу миллий компанияларнинг касодга учрашига олиб келади. Шунинг учун бу масалада эҳтиёткорлик билан иш тутиш лозим.